

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.Жўраев	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба	97
Ш.А.Раҳимов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташаббусларнинг объектив зарурияти	101
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ
Қ.Назаров, Д.Норматова	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир	106
Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари	109
С.Чориев, Б.Иминов	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя	113
Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш	119
Х.О.Шайхова С.С.Хошимов	
Бугунги дунё ва унинг одамлари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Ҳамдамов	
Абдулла Орипов шеърлятида миллий ҳис-туйғулар талқини	127
Н.Султонова	
Ўзбек адабиётида модификация	130
Қ.В.Юлчиев	
Учликда макон ва вақт категорияси	134
	ТИЛШУНОСЛИК
З. Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси	138
И.Расулов	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси	143
Г.Умаржонова	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи	148
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Джалилова	
Академик қаламтасвир тарихини ўқитишнинг методологик асослари	152
М.Каримова, Ш.Арипов	
Талабалар ўқув фаоллигини оширишнинг назарий асослари	155
И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов	
Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг муסיқа тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан	158
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
С.ЭВАТОВ	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси	162
М.Маматов, О.Азимбеков	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати	165
Ф.Дадабаева	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини	167
Х.Убайдуллаев	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида	169
С.Ҳакимжонова	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари	171
Б.Алимов	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти	174
	БИБЛИОГРАФИЯ
Библиография	179

УДК: 87.3

**БУГУНГИ ДУНЁ ВА УНИНГ ОДАМЛАРИ
СОВРЕМЕННЫЙ МИР И ЕГО ЛЮДИ
MODERN WORLD AND IT'S PEOPLE**

Х.О.Шайхова С.С.Хошимов

Аннотация

Ҳар доим олам ва одам билан боғлиқ мавзулар ва муаммолар мазмун-моҳияти, кўлами ҳамда таъсирчанлиги жиҳатидан умуминсоний миқёсга эга бўлган. Олам ва одам, абадийлик ва умрнинг ниҳоялилиги, оламнинг чексизлиги ва ҳаётнинг мазмуни каби масалалар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Инсон бор экан, у ўзи ва ўзлигини англаш экан, бундай азалий масалалар ва уларнинг турлича талқинлари абадий сақланиб қолаверади.

Аннотация

Во все времена тема и проблемы, связанные с человеком и вселенной, были универсальными и актуальными в силу своего содержания, объема и общечеловечности. Такие вопросы, как вселенная и человечество, вечность и тленность людской жизни, бесконечность вселенной и смысл жизни не теряли свое значение. Пока человек существует и старается осознать смысл жизни и своё предназначение, вечные проблемы и их различные интерпретации остаются тоже вечными.

Annotation

At all times, the topic and problems associated with the man and the universe were universal and actual because of their content, volume and humanity. Questions such as the universe and humanity, the eternity and impermanence of human life, the infinite universe and the meaning of life have not lost their meaning. As long as a person exists and tries to realize the meaning of life and his destination, such eternal problems and their various interpretations also remain eternal.

Таянч сўз ва иборалар: олам, одам, борлиқ, дунё, маънавий ҳаёт, фалсафа, дунёқараш.

Ключевые слова и выражения: вселенная, человек, бытие, мир, духовная жизнь, философия, мировоззрение.

Keyword and expressions: universe, human, existence, world, spiritual life, philosophy, worldview.

Олам ва одам билан боғлиқ мавзулар ва муаммолар мазмун-моҳияти, кўлами ҳамда таъсирчанлиги жиҳатидан умуминсоний миқёсга эга бўлса-да, ҳар бир шахс учун ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Умуминсоний маънода башарият ва борлиқнинг умумий ва энг глобал масалаларига кўпроқ эътибор қаратилади. Дунёда умумбашарий муаммолар кўпайиб, экологик танглик тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда борлиқ билан боғлиқ масалалар кўп жиҳатдан муаммоли бўлиб қолди. Ерда ҳаёт сақланиб қоладими, бирон бир оламшумул фалокат рўй бериб, Ернинг ўзи сайёра сифатида йўқолиб кетмайдими, инсониятнинг келажаги қандай бўлади, деган саволлар бутун дунёда яшайдиган кишиларни ташвишга солмоқда.

Қадимда ҳам бу масала одамларнинг диққат марказида бўлган, у доимо ўтмиш алломалари ва мутафаккирларининг эътиборини тортган. Халқимизнинг энг қадимги ёдгорликларидан бири, бутун инсониятнинг маънавий меросига айланган “Авесто”да ҳам бу борада кўплаб ибратли фикрлар баён қилинган.

Тасаввуфда бутун дунё, ҳамма нарса, коинот, олам Худо борлиги учун мавжуд,

моддийлик ва илоҳийлик уйғун тарзда намоён бўлади, деб ҳисобловчи “Ваҳдатул - вужуд” ҳамда борлиқ, олам, моддийликнинг турли-туман кўринишлари Тангрининг тажаллийси, унинг намоёни, инсон шунинг маркази, энг олий даражадаги зоҳир бўлишидир, деган тамойилга асосланадиган “Ваҳдатул - мавжуд” таълимотлари бежиз шаклланмаган [1,21].

Шарқнинг атоқли мутафаккирлари ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, Абн Арабий, Ибн Рушд, Умар Ҳайём, Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ижодида ҳам бу мавзу алоҳида ўрин тутган. Улар олам ва одам, абадийлик ва умрнинг ниҳоялилиги, оламнинг чексизлиги ва ҳаётнинг мазмуни каби масалаларда ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган кўплаб ҳикматли фикрларни баён қилганлар.

Ғарбда ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор берилган. Фалес, Зенон, Сократ, Платон, Аристотель, Эпикур, Демокрит, Гераклит, Пифагор ва бошқа кўплаб алломаларнинг фалсафий қарашларида олам ва бу дунё масаласига доир ниҳоятда

Х.О.Шайхова- фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

С.С.Хошимов-Фарғона политехника институти, ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

муҳим фикр ва хулосалар ўз аксини топган [2,81].

Дунё тушунчаси оламга турлича ёндашиш, унинг асосларини англаб етиш, айтиш вақтда олам, ҳаёт ва умрнинг ўзига хослигини инсон томонидан идрок этиш ҳамдир. Кўп ҳолларда инсонни ўзи яшаётган дунё қаноатлантирмайди ва у ўз ҳаракатлари билан дунёни ўзгартирмоқчи, уни мукамаллаштирмоқчи бўлади. Лекин инсониятнинг энг даҳо вакиллари ҳам барча ишларни ниҳоясига етказмаган, энг бой одамлар ҳам бутун борлиқни эгаллаб ололмаган. Яъни олам одамлар учун абадул абад “Бир кам дунё” сифатида қолаверган. Бу ёруғ оламда яшаётган ҳар бир ақлли инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ана шу мантиқни англаб етишга, ҳаётнинг маъзини чақишга ҳаракат қилади.

Бу эса ҳар бир шахс учун дунё ва у билан боғлиқ масалалар доимо конкрет кўринишда, муайян тарзда намоён бўлиши, кўплаб алоҳида ҳодиса ва воқеаларга бўлинишини англатади. Ҳар бир киши туғилганидан бошлаб умрининг сўнгги дақиқаларигача ана шундай ҳодисалар, турли-туман воқеликлар дунёсида яшайди, уларни ҳар хил идрок қилади ва ўзига хос муносабатда бўлади.

Шу билан бирга, қадимдан инсонни “Қандай яшаган маъқул”, “Бахтли яшаш учун қанча нарса кифоя қилади”, деган саволлар доимо ўйлантирган. Турмуш ташвишлари ва одатдаги ишларнинг чексиз гирдобидида айланиш, муайян тартибларга бўйсуниб, ўз вазифаларини бажариш билан бирга ҳаётдан лаззатланиш, уни мазмунли ўтказиш, роҳат-фароғатда яшаш ҳар бир кишининг орзуси. Оддий хизмат ва турмуш вазифаларини бажариш, меҳнат ҳамда дам олишни оқилона ташкил этишга имкон яратадиган моддий фаровонлик, эришилган натижаларга қаноат қилиш даражаси бу борада борлиқни тушунишнинг оддий кўринишидир.

Буюк алломалар мол-мулкни бўлишнинг ўзигина инсонни бахт-саодатга яқинлаштирмайди, дея бежиз таъкидламаганлар [3,31]. Шу маънода, дунёга ҳақиқий моддий ва маънавий ҳаёт манбаи сифатида ёндашиш мавжудликни англашнинг шундай усулини назарда тутадиги, унда инсон бахтли бўлиб, ўз имкониятларидан унумли фойдаланади,

бутун олам, жамият ва одамлар билан уйғунликда умргузаронлик қилади. Бундай инсон ҳаётни севади ва дунёга дахлдорлигини тўғри англайди. Бу борада нимагадир эга бўлиш ва тирик жонзот сифатида бор бўлиш инсон мавжудлигининг икки асосий жиҳатидир. Улардан бирининг устунлиги одамларнинг индивидуал хусусиятлари ва улар орасидаги ижтимоий фарқларни белгилайди”, дея фикр юритар экан, XX аср алломаларидан бири таъкидлайдики, “Эга бўлиш тамойилига кўра яшасам, менинг дунёга муносабатим уни эгалик қилиш объектига айлантириш, ҳамма нарсани ва ҳаммани, шу жумладан, ўзимни ҳам мулкка айлантиришга интилишимда ифодалангани» [4,43]. Кўриб турганимиздек, бу масалада ҳам ҳар бир инсоннинг муайян йўлни танлашига тўғри келади.

Шу маънода инсон бор экан, унинг шахсий интилиш ва эҳтиёжлари, мақсад ва муддаолари, манфаат ва қизиқишлари доимо мавжуд бўлиб қолаверади. Улар одамзотни бу дунёда мавжуд бўлиб туриши учун нималаргадир эга бўлишини заруратга айлантиради. Аммо бу эгалик даражаси қандай, унинг миқёси қанча, ахир бу борада чексизлик йўқ-ку? Инсон қанча кўп нарсага эга бўлмасин, бунинг чек-чегараси бор, умр эса чекланган. Қолаверса, эга бўлган нарсаларни ўзинг билан олиб кетишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Бу, табиий ва шундай экан, бор бўлиш, туғилишдан ўлимгача ҳаётни мазмунли ўтказиш учун қанча нарса керак? Ҳаётнинг мазмуни жиҳатидан материализм ва идеализмни бир-биридан ажратиб турувчи масала ана шунда. Яъни, бор бўлиш учун «Менга ҳеч нарса керак эмас», дейиш хом хаёл бўлгани сингари, «Бу дунёдаги ҳамма нарса меники бўлиши лозим», дея интилиш, бу интилишни мутлақлаштириш ҳам хом хаёлдир.

Бир қарашда «бор бўлиш ёки эга бўлиш» муқобили соғлом ақлга зиддек туюлади. Дарҳақиқат, яшаш учун ейиш, ичиш, ҳеч бўлмаса, энг муҳим нарсаларга эга бўлиш, хуллас, ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш кераклиги шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан, моддийчилик тамойили гўёки реал хусусият касб этади. Унга кўра моддий нарсалар ва товар – тараққиёт мезони, ҳаётнинг ўлчов бирлиги

ана шу ҳисобланган жамиятда муқобиллик тўғрисида қандай сўз юритиш мумкин? Ҳа, шундай. Лекин бу дунё доимо муайян мазмунга эга бўлиши, яъни асосан мулк, бойлик ёки бирон бир фойдали нарса сифатида намоён бўлиши лозим, деган хулоса тўғрилигини англатадими? Албатта, агар инсон маънан қашшоқ, ўта молпараст бўлса, бундай одам борлигининг моҳияти айнан қанчадир борлиққа, моддий нарсаларга эгалиқдан иборат бўлади. Бундай инсон учун мол-мулк, тўкин-сочин ҳаёт ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Аммо қашшоқлик қандай иллат бўлса, ортиқча ҳашамат ҳам шундай иллатдир. Ҳаётнинг мазмуни эса фақат кўп нарсаларга эгалиқ қилиш эмас, балки пурмаъноли бўлишдан ҳам иборат эканлиги шубҳасиз.

Узоқ ўтмишдан ҳозиргача, дунё муаммосини тушуниш ва талқин қилишнинг энг умумий тамойиллари ва бу борадаги парадигмаларни ҳисобга олиб фикр юритилса, қуйидаги манзарага гувоҳ бўлиш мумкин: антик дунёда борлиқни тушуниш марказида коинот жойлашган, у космоцентрик дунёқарашдир. Коинот қонуниятлари жамият ҳаёти қонунларини, ўша давр кишисининг дунёга қараш тарзини белгилайди, инсон ҳаётида умумий мезон каби акс этади. Ушбу қонуниятлар ўша даврда давлат тадбирлари, чунончи турли ҳарбий юришлар, истилолар, қурилишлар муваффақиятига, шунингдек, инсон тақдирига ҳам таъсир кўрсатади, деб ҳисобланган. Шу маънода бу борадаги қадимият замирида шунчаки объектив-моддий ва ҳиссий ёндашув эмас, балки рационал қарашга асосланган космологизм этади [5,58].

Ўрта асрларда дунёнинг олий асоси Худо, деган ғоя илгари сурилди. Оламнинг барча намоён бўлиш шакллари мажмуи сифатида Худо мавжудлик хусусиятига ҳам эга, деб қаралди [6,127]. Бинобарин, ҳамма нарсанинг мавжудлиги Худода мужассам. Худо борлиги тўғрисидаги онтологик далилнинг тамойилларидан бири ана шундан иборат. Унга кўра, бутун борлиқ бир кучга бўйсунди, қуйи ва олийнинг тартибли субординациясига асосланган. Бунда инсон руҳи ва илоҳий асоснинг ўзаро таъсири масаласи бош муаммога айланади. Демак, Ўрта асрлардаги борлиқ муаммосига

нисбатан ёндашув теоцентрик хусусиятга эга [7,61].

Янги даврда дунёнинг моҳияти табиат қонунларига боғланиб ўрганildi. Табиатни ўрганувчи фанлар биринчи даражали аҳамият касб этди. Юзага келган саноат инқилоби таъсирида ташаббускорлик, фаоллик ва омилкорликнинг ривожланиши индивидуализм майлига асосланган антропоцентристик дунёқарашни шакллантирди.

Дунёнинг моҳиятини тушуниб етишда ҳозирги даврга хос энг янги қарашнинг ўзагини инсоннинг ижтимоий ижоди ташкил этади. Бунда дунё ҳаёт фаолияти жараёни сифатида тушунилади. Фан-техника тараққиётининг суръатлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур ёндашувга таянган қараш кўпинча технократик дунёқараш, деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, ҳалигача дунёнинг нималиги, йўқликнинг маъно-моҳияти, уларнинг қаерда бошланиб, қаерда тугаши, қаерда ва қандай туташуви каби масалаларда барча саволларга тўлиқ жавоб берадиган, ҳамма томонидан тўла-тўқис ва мутлақ ҳақиқат тарзида эътироф этилган умумий назария ёки таълимот йўқ. Борлик ва йўқлик, инсоннинг борлиги, ҳаётнинг мазмуни, умрнинг интиҳоси ва ундан кейинги ҳодисалар билан боғлиқ қарашлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Хуллас, бу дунёда борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва нималаргадир эгалиқ қилиш, зоҳирийлик ва ботинийликнинг аниқ чегараси қаерда, бир кишининг умрини маъноли ўтказиши учун унга қанча нарса кифоя қилади, баъзи ношукур одамларнинг кўзи қачон тўяди, деган саволлар “Авесто” замонларидан бугунга қадар ҳам инсониятни лол қолдириб келмоқда. Бу ёруғ оламда якка ва ёлғизмизми ёки бошқа дунёлар ва бошқачароқ ҳаёт ҳам борми, деган саволларга ҳам тўла-тўқис жавоблар йўқ. Инсоният қанчалик кўп билимларга эга бўлмасин, бу соҳада саволлар камайиб бораяпти, одам зоти уларга берилаётган жавоблардан бутунлай қониқаяпти, дейиш учун асослар етарли эмас. Шундай бўлса-да, ҳар бир авлод бу масалаларга жавоб қидиради, уларга ўзича ёндашади, қандайдир хулосаларга келади. Улар асосида ҳаёти ва фаолиятини ташкил

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

етишга, ўз билимлари доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан ва фалсафа доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли инсониятга турли муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк оғоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Юзага келган бугунги вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида қамраб олувчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро, ўз тадқиқоти объекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қилади. Шу сабабли у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан қатъий назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охири-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурий шартини ҳисобланади.

Ҳар қандай айрим фанлар муайян босқичда ўз объектини фалсафий жиҳатдан англаб етишга у ёки бу даражада муҳтож бўлади. Муайян фан предметига ва инсоният олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг ёндашувсиз фундаментал кашфиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Гарчи фалсафа одамларнинг кундалик ҳаёти ва амалиётдан анча узоқда бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд бўлса-да, у бугунги дунёнинг турли муаммоларини ечишда муҳим роль ўйнайди. Зеро, умумий назариялар баъзан билимнинг аксарият муайян соҳаларига қараганда кўпроқ самара бериши мумкинлиги яхши маълум.

Албатта, фалсафа сиёсий ва бошқа қарорлар қабул қилиш жараёнига муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш унча ўринли бўлмайди. Зеро, унинг бош вазифаси дунёқарашни шакллантириш ва шу тариқа амалий қарорлар ишлаб чиқиш жараёнига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат. Унинг вазифаси глобал муаммоларнинг табиий-илмий ва техникавий жиҳатларини бевосита ўрганишдан эмас, балки бошқа фанлар таклиф қиладиган тегишли ечимларнинг фалсафий, методологик, маданий ва ахлоқий негизини таъминлашдан иборат.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув дунё муаммоларини уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутаяди. Бундай тадқиқот аввало олам муаммолари моҳиятини аниқлашни назарда тутаяди, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Бугунги дунё муаммоларини фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтаемиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи методологик функцияси, айниқса, муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларини таърифлайди ва шу сабабли бугунги дунё муаммоларини ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршилиқларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаралади.

Тўртинчидан, фалсафа замонавий дунё ривожланишининг умумий тенденцияларини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий-маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, дунё муаммоларига оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараёни яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттинчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўткинчилик ва умрбоқийлик

масалаларини кун тартибига қўядики, бу, инсониятга турли хавф-хатарлар таҳдид солаётган шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим методологик функцияси шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан роль ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

Бугунги дунёда 7 миллиарддан зиёд одамлар яшамоқдалар. Ўтган асрларга нисбатан дунё ўзгарди, одамларнинг ҳаёт кечириши, турмуш тарзида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Турли технологиялар, фан ва техника соҳасидаги янгиланишлар ҳаёт тарзини ўзгартириб юбормоқда.

Аммо, олам ва одам, инсоннинг дунёдаги ўрни ва аҳамияти, авлодлараро ворислик ва келажак қаршисидаги масъуллик билан боғлиқ масалалар асло эскираётгани, долзарблигини йўқотиб қўяётгани йўқ. Улар ҳамон одамларни ўйлантирмоқда, ҳар бир кишининг бу омонат дунёда омонлиги, олам ва одамлар билан узвий боғлиқлиги, ўзи ва ўзгалар ҳаёти учун масъуллигини англаштишга хизмат қилмоқда.

Зеро, инсон бор экан, у ўзи ва ўзлигини англаб экан, бундай азалий масалалар ва уларнинг турлича талқинлари абадий сақланиб қолавериши шубҳасиз. Айнан ана шундай муаммо ва мавзулар одам зотининг абадий эмаслиги, дунёнинг омонатлиги, умрни мазмунли ўтказиш ҳам ўзига хос бир масъулия эканлигини барчамизга эслатиб тураверади, албатта.

References:

1. Komilov N. Tasavvuf. –Т.: «Yozuvchi», 1997.
2. Istoriya filosofii. — М., 1983.
3. Jo'raeva Saida. Khaqiqat manzaralari. 96 mumtoz faylasuf. – Т.: "Yangi asr avlodi" 2002.
4. S.Yo'ldoshev va boshqalar. Yangi va eng yangi davr G'arbiy Yevropa falsafasi . – Т.: 2002.
5. Gunnar S. Nilg's G. Falsafa tarixi. – Т.: 2002.
6. Filosofiya. Rostov-na-Donu, 1996.
7. Jilson E. Filosof i teologiya. – М., 1995.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).